



Ashonch

МОҲИЯТ
 ШХТнинг минтақада ҳамда дунёда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга, сепаратизмга, экстремизмга ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш, Марказий Осиёда стратегик жиҳатдан муҳим минтақада хавфсизликнинг бошқа таҳдидларига қарши кураш борасидаги ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда.
 Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Самарали музокаралар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июн куни Қўқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент Саммитида қузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Покистон Ислон Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий билан учрашди.

— Мамлакатларимиз халқлари тарихан мустақам дўстлик ришталари билан боғланган, урф-одатларимиз ва маданиятимиз ўхшаш, улуг аждодларимизнинг мероси умумий бойлигимиз саналади. Бугунги кунда Ўзбекистон-Покистон муносабатлари ана шу анъанавий дўстлик асосида ривожланмоқда, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик замон талаблари асосида самарали ривожланмоқда. Олий даражадаги учрашувлар чоғида имзоланган турли соҳаларга оид икки томонлама ҳужжатлар ўз самараларини бермоқда. Айни пайтда икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқалари фаоллашиб, товар айирбошлаш ҳажми ошиб бормоқда.

Кейинги пайтларда мамлакатларимиз маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни ривожлантирмоқда. Покистонда Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Муҳаммад Иқболнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференциялар ва бошқа маданий тадбирлар бунга яхши мисол бўла олади.

Қўқсаройдаги учрашувда томонлар Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги ҳамкорлик гоят долзарб масалалардан эканини таъкидладилар. Чунки икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинч ҳаёт қарор топиши ва ушбу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишидан манфаатдордир. Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро хавфсизлик таҳдидларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларга ёндашувлари ўхшашдир.

Покистон Президенти ШХТ Саммитида қатнашишга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди. Осиф Али Зардорий Покистон мамлакатимизни Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий муносабатларни ҳамда хавфсизлик масалаларида сиёсий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳамкор, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити доирасида 11 июн куни Қўқсаройда Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди.

— Ўзбек ва тожик халқлари азалдан ёнма-ён яшаб, қувончу таъшишларини баҳам қўриб, ҳамisha бир-бирини қўлаб-қувватлаб келган, — деб таъкидлади Ислом Каримов. — Тарих ва ҳаёт ким сўзда, ким амалда ҳақиқий дўст эканини кўп бор исботлаган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлиги 2000 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида барқарор ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бу алоқалар минтақавий ҳамкорликка оид кенг қўламли масалаларни, жумладан, қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришни камраб олади.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчиллик касб этган, ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро комиссияси тузилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Учрашувда Ташкилот олдида турган вазифаларни бажаришда унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустақамлаш механизmlарини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Имомали Раҳмон самимий қабул ва ШХТ Саммити доирасидаги тадбирлар юксак савияда ташкил этилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Тожикистон раҳбари Ўзбекистон ШХТга раислик даврида Ташкилотнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида ўз вақтида ва самарали ташаббусларни илгари сурганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июн куни Қўқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг қузатувчи мамлакат вакили сифатида иштирок этган Ҳиндистон Республикаси ташки ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришнани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини, икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлигини таъкидлади.

— Ҳиндистон вакиллари билан учрашув ҳамisha катта мамнуният бахш этади, — деди Ислом Каримов. — Ташрифингиз ва Саммитда иштирок этганингиз икки томонлама муносабатларнинг бугунги ахволи ва истиқболни ҳамда ШХТ маконинда минтақавий ривожланиш муаммолари юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имкониятдир.

Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланади. Икки мамлакат ўртасида олий даражадаги самарали мулоқотлар йўлга қўйилган. 1997 йилнинг август ойидан буён мунтазам равишда ташки сиёсат маҳамаларининг маслаҳатлашувлари ўтказиб келинмоқда. Маслаҳатлашувларнинг охириги давраси 2008 йил 1 август куни Деҳлида бўлиб ўтди. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланмоқда.

Глобаллашув шароитида гуманитар соҳадаги алоқалар 1994 йилда имзоланган Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим руҳида ривожланиб, мазмунан бойиб бормоқда. 1993 йилдан буён мингга яқин ўзбекистонлик мутахассис Ҳиндистонда ахборот технологиялари, кичик бизнес, банк иши каби соҳаларда таҳсил олди.

Давлатларимиз минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигини мустақамлаш, халқаро майдонда бир-бирини қўлаб-қувватлаб келмоқда.

Қўқсаройдаги учрашувда Соманахалли Малайя Кришна самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎЗА)



Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тартиб-қоидаларига биноан ҳар йили аъзо мамлакатлардан бири унга раис бўлади. 2009 йил Екатеринбург саммитидан кейин ШХТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди. Таомилга биноан раислик қилувчи давлат ўз ҳудудида навбатдаги саммитни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қўқсарой қароргоҳида 11 июн куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги, ўнинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш йўлидаги ҳамкорлик

ШХТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси ташки ишлар вазири вазирасини бажарувчи Руслан Казакбаев иштирок этди.

Музокарада ШХТ ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва айирмачиликка, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустақамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Ҳар қандай халқаро ташкилотнинг нуфузи ва аҳамияти унга дунёда берилган эътибор ва фаолиятнинг самарадорлиги билан белгиланади. ШХТ нисбатан қисқа вақт ичида нуфузли халқаро ташкилотга айланди. 2001 йил 15 июн куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат раҳбарлари ШХТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Унинг доимий фаолият учрашувчи икки органи — Котибият ва Минтақавий ақсилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олинди. Таъсис ҳужжати — Хартия 2002 йил 7 июн куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди. Шу тарихда ташкилот халқаро юридик макомга эга бўлди. Аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустақамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорлиқни ривожлантириш, ўзи камраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш унинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланди.

ШХТ тузилганидан кейин қўлаб давлатлар унинг сафидан жой олиш истагини билдирди. Айни пайтда, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистонга ШХТга қузатувчи мақоми берилган.

Ташкилотнинг фаолият қўламини кенгайтириш мақсадида 2005-2006 йилларда ШХТнинг Банклараро бирлашмаси, Ишбилармонлар кенгаши ва Форуми ташкил қилинди. Банклараро бирлашма минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўлаб-қувватлаш, қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга хизмат қилади. Унинг доирасида шу вақтгача турли лойиҳалар учун умумий қиймати 742 миллион АҚШ долларига тенг сармож жалб қилинган.

Ишбилармонлар кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари ишбилармонлар ва молия муассасаларининг бевосита алоқаларини йўлга қўйиш ва қўлаб-қувватлаш орқали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Нохукумат орган ҳисобланувчи ушбу кенгаш аъзо мамлакатлар бизнес ҳамжамиятларининг йирик вакилларини ўз сафига бирлаштириди. Кенгаш энергетика, транспорт, телекоммуникация, банк-кредит секторини каби устувор йўналишлар билан бир қаторда, илм-фан, таълим ва инновация технологиялар, соғлиқни сақлаш, қиллоқ ҳужалиги сингари соҳаларга эътибор қаратиб, ўз фаолиятини ижтимоий мазмун билан бойитмоқда.

ШХТ Форуми илмий-тадқиқот ва сиёсатшунослик марказларини бирлаштирган ва экспертларнинг ўзига хос маслаҳатлашув механизми ҳисобланади. Унинг асосий мақсади, ШХТ фаолиятини илмий ва стратегик жиҳатдан қўлаб-қувватлашдан иборат. Форум доирасида аъзо мамлакатлар илмий ҳамжамиятлари сиёсат, иқтисодий, хавфсизлик, ижтимоий соҳа, экология ва бошқа маззурларда маслаҳатлашувлар, музокаралар, анжуманлар ўтказилади.

ШХТ давлатлари ўзаро муносабатларда «Шанхай руҳи»га амал қилди. Бу ибора қарорларни консенсус асосида қабул қилиш, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хил-

ма-хилликка ҳурмат билан ёндашув, биргаликда тараққий этишга интилиш тамойилларига қатъий амал қилиш демокдир.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди. Бу вақт мобайнида Ўзбекистон ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, меъриёрий-ҳуқуқий асосини мустақамлаш, ШХТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқликни сақлаган ҳолда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлага қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти ШХТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизmlарини, ташкилот ва унинг тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди. Тошкентда ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида имзоланган Қўшма декларация Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Контртеррористик қўмитаси ўртасидаги амалий алоқаларни ривожлантиришга йўл очди.

Бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати билан ечиб бўлмайдми. Жумладан, хавфсизлик ва экология муаммолари камда минтақа миқёсидаги ҳамкорликни таъқозо қилади. Шу маънода ШХТ билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг расмийлаштирилиши икки томон учун муҳим масалаларни ечишда баҳамжihat ҳаракат қилишга кенг йўл очди. БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭС-КАТО), Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича қўмитаси, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази каби тузилмалари ШХТ билан анчадан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қабул қилинган Қўшма декларация бу ҳамкорликнинг имконият ва салоҳия-

тини янада оширишга хизмат қилади. Айни пайтда, ШХТнинг ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорлик режаси тасдиқланган. Ўзаро англошув меморандумларига асосан тузилган бу режа ШХТ билан ЭСКАТО, АСЕАН, МДХ, ЕвразЭС, ОДКБ каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада мустақамлашни назарда тутди.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатларнинг 2020 йилгача мўлжалланган кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ШХТ учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш устувор масалалардан саналади. Е-40 халқаро маршрутнинг реконструкция қилиниши имкон қадар тез якунига етказиш барча аъзо давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, Ўзбекистон бу йўлнинг ўз ҳудудидаги қисми бўйича мажбуриятларини тўла бажариб бўлди. Айни пайтда, мамлакатимиз Е-40 халқаро маршрутнинг марказида «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини барпо этмоқда. Шубҳа йўқки, Марказий Осиёда янги қўшма лойиҳалар амалга оширилгани сайин, яъни ишлаб чиқариш корхоналари ва йўллар барпо этиш кўпайгани сари ШХТ мамлакатлари учун «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг аҳамияти ошиб бораверади. Ташкилот аъзолари уни ривожлантиришда фаол қатнашиши мумкин.

Қўқсаройдаги музокараларда нафақат хомашё этиштириш ва қайта ишлаш, балки юқори технологиялар, юксак даражада қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳаларидаги халқаро сарможий лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш бугунги кун нуктаи назаринан муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу орқали бандлик муаммосига барҳам берилди, барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди, пировардида, бутун минтақада ижтимоий барқарорлик мустақамланади.

(Давоми 2-бетдан)



Термиз шаҳридаги «Surxon-Termiz-Silk» корхонасида воқо пиллакорлари этиштирган қимматбаҳо хомашёни қайта ишлаш йўлга қўйилди.
 Айни пайтда корхонада қабул қилиб олинган пилладан сифатли ип-калава тайёрланмоқда. Замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга хорж давлатларидан буюртмалар тушаётир. 300 нафардан ортиқ ишчи-мутахассис меҳнат қилаётган корхона қошида адрас ва гилам туқиш цехлари ҳам ташкил этилди.
Суратларда: Корхонанинг ип йигирувчиси Ситора Шаронова янги қабул қилинган маҳсулотдан ип-калава йигирмоқда; корхона ишчилари Феруза Жабборова, Дилбар Абдурахмонова, Шахло Шерназарова, Норгул Қорақуллова ишлаб чиқарилган маҳсулотларни намойиш қилаётир.
 Ф. АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш йўлидаги ҳамкорлик

(Боши 1-бетда)

Давлат раҳбарлари ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик стратегияси ва унинг устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этишга, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашишди. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида бу масалалар, хусусан, кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар кўриб чиқилди. Унда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари — Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислам Республикаси Президенти Осиф Али Зардорӣ, Эрон Ислам Республикаси ташки ишлар вазири Манучехр Муттақӣ, Хиндистон Республикаси ташки ишлар вазири Соманхалли Малайя Кришна ҳамда саммит меҳмонлари — Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ҳамид Карзаӣ, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов иштирок этиди. Шунингдек, мажлисда ШХТ Бош котиби Муратбек Иманалиев, ШХТ МАТТ Ижрочи директори Женисбек Жуманбеков, БМТ Бош котибининг ўринбосари Ян Кубиш, МДҲ Ижроа кўмитаси раиси Сергей Лебедев, ОДКБ Бош котиби Николай Бордюжа, ЕврАзЭС Бош котибининг ўринбосари Мурат Мусатаев, АСЕАН Бош котибининг ўринбосари Санкан Сисованг қатнашди. Таъкидлаш жоизки, кузатувчи мамлакатлар билан қўшиб ҳисоблаганда, ШХТ инсониятининг ярмини бирлаштиради. Бу эса унинг асосий фаолият йўналишлари — иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустақкамлашдаги салоҳиятини оширади. Кузатувчи мамлакатлар вакиллари ва саммит меҳмонлари иштирокчида ўтган навбатдаги музокарада ана шу икки устувор йўналишга алоҳида ургу берилди. Зеро, хавфсизлик орқали ҳамкорликни ривожлантириш, умумий тараққиётга эришиш ташкилотнинг асосий мақсадидир. Аввало, жаҳон молиявий-иқтисодий

инқирози шароитида кенг қўламли иқтисодий, молиявий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш бўҳрон таъсирини энгиллаштириш ва оқибатларини бартараф этишга ёрдам беради. Айни пайтда, бу орқали умумий иқтисодий ривожланиш учун ҳам янги асослар яратилади. Албатта, ШХТга аъзо ҳар бир давлат ва кузатувчи мамлакат ўртасида муайян даражада икки томонлама муносабатлар қарор тогган ва ривожланишда. Лекин бу кўп томонлама алоқаларни чекламайди. 2009 йилда ишга тушган «Марказий Осиё — Хитой» газ қувури минтақавий ҳамкорликка яхши мисол бўла олади. Трансафғон транспорт йўли ҳам кўп томонлама ҳамкорлик асосида барпо этилмоқда. Бу йўналиш бўтун Марказий Осиё давлатлари учун Ҳинд океани бандаргоҳларига йўл очади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2004 йилдаги Тошкент саммитига илк бор Афғонистон раҳбари меҳмон сифатида тақлиф қилинган эди. Шундан буён Ҳамид Карзаӣ ташкилотнинг барча саммитларида қатнашиб келмоқда. Бунинг муҳим томони шундаки, ШХТ фаолиятининг асосий йўналишларида бири бўлган хавфсизликни мустақкамлаш масаласи муҳокама қилинар экан, Афғонистон муаммосини четлаб ўтиб бўлмайди. Демак, бундай муҳокамада Афғонистон раҳбарининг иштироки муаммони чуқурроқ таҳлил этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш масалаларини тيرانроқ муҳокама қилиш имконини беради. Саммитда Қирғизистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчилар Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёрликларини билдирдилар. «Энг муҳими, — деди Ислам Каримов, — ҳуқуқий асосдаги ечимни топиш ва кескинлик ёйилиб кетишининг олдини олишдир». Мажлисда хавфсизлик масалалари, жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларига қарши биргаликда курашиш муаммолари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. ШХТнинг бу галги саммитига Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг тақлиф этилгани ҳам беҳиз эмас. Минтақавий хавфсиз-

ликни таъминлаш ва ҳамкорликни мустақкамлаш масалаларини ҳал этишда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш гоят муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, Туркменистоннинг коммуникациялари, инфратузилмаси, транзит имкониятлари ШХТ мамлакатлари учун фойдали ресурс бўлиб хизмат қилади. Томонлар молия муассасалари, банклар, биржалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ахборот алмасувини ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Минтақавий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш мақсадида, савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, бизнес субъектлари ўртасида бевосита алоқаларни кенг қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан фикр алмашилди. Транспорт коммуникациялари, агросаноат, юқори технологиялар соҳаларида сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан экани таъкидланди. Музокаралар якунида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши ўзининг мажлисининг декларацияси, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ процедура-лари қондаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ Бош котибининг Ташкилотнинг ўтган йил мобайнидаги фаолиятига оид ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ МАТТ Кенгашининг МАТТнинг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор имзоланди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши ўзининг мажлиси якунида тўғрисидаги ахборот қабул қилинди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ва ҳимоятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШХТга аъзо давлатлар ва кузатувчи мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Президентимиз ШХТ тузилганидан буён ўтган даврдаги бундай фаолиятга баҳо бераар экан, Ташкилотнинг очиқлик, блокка айланмас-

лик хусусияти мустақкамлашиб бораётганини, минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда зиддиятли ёндашувларга йўл қўйилмаётганлигини алоҳида қайд этди. — Биз кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини, минтақавий ва халқаро долзарб муаммоларни атрафлича кўриб чиқдик. Махлис қатнашчилари Екатеринбург саммитидан Тошкент саммитигача бўлган даврда улкан ишлар амалга оширилганини, жумладан, Ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асосини мустақкамлаш, самарадорлигини ошириш, тизимли йўлга қўйиш борасида салмоқли натижаларга эришилганини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, Ўзбекистон раислиги даврида БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида 2010 йил апрел ойида Тошкентда БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Ишонч қилиниши ШХТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фаворитроқ фойдаланиш, жумладан, унинг доирасида ШХТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодаловчи масалаларни биргаликда илгари сурши имконини беради, — деди Ислам Каримов. ШХТ Бош котиби Муратбек Иманалиев барча иштирокчилар номидан саммит самараларини таъкидлаб, тадбирлар юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси халқи ва раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди. — Бугун имзоланган ҳужжатлар — ШХТни ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини ошириш йўлидаги янги қадамдир. Ўзбекистон раислиги даврида қўйилган барча вазифалар тўла бажарилди, — деди Муратбек Иманалиев. Шу билан ШХТнинг Тошкент саммити якунига этди. У ШХТ тарихидан ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизликни ривожлантириш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида алоҳида ўрин олишига шубҳа йўқ.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири

2010 йил — Баркамол авлод йили
Бирор дард билан оғриб қолган пайтимиз дори-дармонининг қадрига кўпроқ эгамиз. Ҳасталиқдан ҳалос этадиган махсулотнинг ижодкорларига тасанно айтаман. Тошкент фармацевтика институти ана шундай мутахассислар тайёрловчи муассаса ҳисобланади. Бу ерда 1720 нафар талаба тахсил олади. Институт бирлашган қасаба уюшма қўмитаси, ректорат, маънавият ва маърифат бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Қамолот» ЕИҲ ҳамкорлигида ўқитувчи ва талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, «Дори-дармон» акционерлик компанияси бир неча йилдан буён ўқиши ва ҳулки билан барчага ўрнат қўлаётган талабаларга махсус стипендия жорий этган. 2009-2010 ўқув йилида ҳам компания ташаббуси билан 10 нафар талаба рағбатлантирилди. Шунингдек, фармация факултетининг 4-курс талабаси С.Эгамбердиев «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағрамаси грантининг соҳиби бўлди. Республика миқёсидаги ибн Сино номли стипендияга факултетининг 4-курс талабалари Р.Э.Оқирова ва Р.Саидова муносиб деб топилди. Аспирант С.Алимов эса Президент стипендияси соҳиби ҳисобланади.

Эзгу мақсадлар ифодаси

«Биз ўз қучимизга ишонамиз», «Мустақиллик ва конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз»... Булар Миробод тумани ҳокимлиги, ИИБ, прокуратураси ходимлари, Тошкент ислом университети ўқитувчилари ҳамкорлигидаги тадбирлар мавзусининг бир қисми ҳолос. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида белбоғли кураш, баскетбол, волейбол, шейфинг, стол теннис тўғрисидаги фаолият курсатаяпти. Уларга юздан ортиқ талаба жалб этилган. Шу йилнинг февралда олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилган муСОБАҚаларда институт ёшлари фахрли ўринларни қўлга киритди. Турли байрамларда ҳам таъминланган талабаларга моддий ёрдам курсатиш, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва боқувчиси йўқ кўрсалар ҳолидан хабар олиш айнана тусини олган. Жумладан, «Сен ёлғиз эмассан» акцияси доирасида институт талабалари Сирғали туманидаги 33-меҳрибонлик уйида Наврўз байрамини нишонлашди. Қолоқ талабаларнинг ўқиши ҳар ойда деканат ходимлари билан биргаликда ўтказиладиган қасаба уюшма қўмитаси йиғилишида муҳокама қилиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга ёрдам қўрсатилади. Институт қимё лабораторияларида зарарли шароитда ишловчи ходимлар ҳар куни сут билан таъминланган, ўтган йили институтда бунинг учун 14 млн. 370 миң сўм сарфланди. Илгор ўқитувчи ва ишчилар мунтазам равишда эсдалик совғалари, пул мукофотлари билан тақдирланапти. Ҳар йили ёзги таътилда ходимлар ва талабаларнинг «Чимён» оромгоҳида мароқли дам олишини ташкил этишда қасаба уюшма қўмитаси аъзолари фаоллик қўрсатади. Бундан ташқари, ўтган йили май ойида бир гуруҳ ўқитувчи ва ишчилар Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Институт ҳодисидида жойлашган талабалар турар-жойи 300 ўринга мўлжалланган. Бу ерда йўлга қўйилган тартиб ва орасталик ҳавас қилувчи даражада. 2008 йили талабалар турар-жойлари ўртасидаги танловда голиб бўлган учун унга Тошкент вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши 2 та стол теннис тўламини осява қилди. — Эришаётган муваффақиятларимизда маъмуриятнинг ёрдами катта, — дейди институт бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раиси Адҳам Қомиллов. — Асосий мақсадимиз талабаларнинг фаоллигини ошириш, уларни халқимизнинг фаровонлигига хизмат қиладиган баркамол инсон қилиб тарбиялаш.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Қарор ва ижро
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Дехкон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши бозорлар ва савдо комплексларида хизмат қўрсатиш сифатини яхшилаш, савдо маданиятини ошириш, пул тушувларини тартибга солиш, сифатли махсулотлар сотилишини таъминлашига хизмат қилмоқда.

Пластик карточкалар билан гўшт дўконларига
Яқинда Фарғона шаҳрида ҳоким ўринбосарлари, бозор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, қасоблар ва барча савдога алоқадор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Натижада, шаҳар ҳокимининг фармойиши қабул қилиниб, унда ҳудуддаги дўконларда гўшт нархининг асосис оширилишининг олдини олиш, ветеринария-санитария қондаларига амал қилган ҳолда арзон ва сифатли гўшт махсулотлари сотилишини назорат қилиш юзасидан 3 та гуруҳ ташкил этилди. Шунингдек, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида чорвачилик махсулотлари етиштириётган фермер хўжалиқлари ва аҳоли ўртасида гўшт ва тухум харид нархларининг асосис оширилишининг салбий оқибатлари тўғрисида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи гуруҳлар фаолият олиб бормоқда. Қасаба уюшмаси ва «Маҳалла» жағғармаси фаоллари уларга яқиндан амалий ёрдам қўрсатмоқдалар. Шаҳардаги мавжуд 53 та

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Ҳоразм вилоят кенгаши конференцияси бахс-мунозараларга бой бўлди. Кенгаш раиси Қодир Раҳимов кенгашнинг 2004 йил декабрдан 2010 йил июнча бўлган даврдаги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. — Ҳисобот даврида асосий диққат-эътибор меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига қаратилди, — деди кенгаш раиси. — Бу борада жамоа шартномалари ва келишувлари жуда кўл келди. Дарҳақиқат, ўтган йилнинг ўзида меҳнатқашларни рағбатлантириб бориш, турли имтиёзлар қўрсатишга 7 миллиард 448 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда сарфланган маблағ 46921 сўмини ташкил этди. Ҳисобот даврида тармоқ меҳнатқашларининг иш шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор қучайтирилди. Тармоқ бўйича меҳнат шароитларини яхшилашга сарфланган маблағ 2 миллиард 635 миллион сўмини ташкил этди. Меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялаш, қасаба уюшма ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, меҳнат қонучилиги талабларининг бажарилишини назорат қилиш борасида ҳам бир қатор иш-

Аъзолик афзаллигини асослаб
Ўзбекистон Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар қасаба уюшмаси Марказий кенгаши Жиззах вилоят вакилликнинг конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят вакили Ғайрат Ҳосилбековнинг ахбороти тингланди. Нотиқ таъкидлаганидек, вилоят иқтисодиёти ривожидида қўшма ва нодавлат сектори корхоналари ҳамда тадбиркорларнинг улуши салмоқли бўлиб, янги махсулотнинг 60-70 фоизини ташкил этаётди. Шу боисдан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш қасаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Касаба уюшма аъзолиги афзаллигини асослаш йўли билан сўнги йилларда корхона, ташкилотларда қасаба уюшмалари тузилиб, 847 нафар ишчи-хизматчи аъзоликка қабул қилинди. Меҳнатни муҳофаза қилиш доимий диққат-эътиборда. Ҳисобот даврида шу мақсадга 729 млн. сўм маблағ сарфланди. Тизимда учта тармоқ кели-

Хисобот-сайлов конференциялари
Таҳлил, баҳс, мунозарара
лар амалга оширилди. 217 та корхона, ташкилот, акциядорлик жамиятлари, хўжалиқларда меҳнат қонунларига риоя қилиниши урганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 161 та ёзма талабнома киритилди. Мухими, қасаба уюшма тузилмалари такомиллаштирилди. 100 та фермер қасаба уюшма ташкилоти тузилди. — Бозор иқтисодиёти ривожланган сари қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятида 3 муҳим йўналиш — бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш марказий ўрин эгалламоқда, — дея таъкидлади кенгаш раиси ўз маърузасида. — Ҳисобот даврида янги иш жойларини барпо этиш бўйича 20 дан ортиқ чора-тадбирлар жамоа шартномалари орқали амалга оширилди. Натижада, 2009 йилда 10233 янги иш жойлари ташкил этилди. Шунингдек, ходимларни қайта ўқитиш, касбга ўргатиш, меҳнат бозоридида рақобат қила олмайдиган шахслар, ногиронлар, болалар аёллар, малакасиз ёшлар учун меҳ-

нат жойларини квоталашга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсати ижроия қўмитасининг 2006 йил 23 январдаги «Қасаба уюшмалари томонидан касаначиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирларга қўмақлаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 йилда вилоят тармоқ қасаба уюшмасига қарашли ташкилотларда касаначиликни ривожлантириш бўйича 62 ташкилотда 656 та касаначилик иш ўринлари очилди. Ишга жалб қилинганларнинг 372 нафари аёллардир. Кенгаш раиси қўлга киритилган ютуқларни қайд қилиш баробарида, муаммолар хусусида ҳам кенг тўхтади. — Аксарият фермер хўжалиқларида ишчи қабул қилишда ҳар бир гектар экин майдонига ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият томонидан берилган меъёриларга амал қилинаётди. Мавсумий ишларга жалб қилинаётган ходимлар кўнчилиқ ҳолларда ишлов-

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА, «Ishonch» мухбири



Касаба уюшма фаолиятини изчиллик билан жамоа манфаатларига йўналтиришда ўзига хос йўл тутилган жойлагина бирон-бир натижага эришиш мумкин.

Етакчи минбари

Керак бўлиб яшагим келур

Жамоамизда 82 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Утган ҳисобот-саноат даврида талай ишлар амалга оширилди. Мақтаб биноси 2004-2005 йилларда «ЎЗМЕТкомбинат» ОАЖ ҳомийлигида тўлиқ капитал таъмирдан чиқди, бу ўз навбатида ҳар бир ходим учун қатор қўлайликлар яратди. Бунинг натижаси 2006 йилда ўтказилган «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловида намоён бўлди. Жамоамиз танловнинг мулоқоқлигини кўлга киритди. Ҳисобот даври мобайнида мактабда махсус жиҳозланган касаба уюшма хонаси иш бошлади. Табиийки, бу фаолият самарадорлиги ошишига хизмат қилаётди. Кези келганда, ходимлар томонидан тушган ариза ва тақлифлар имкон қадар ҳал қилиниб келинаётганини таъкидлашни истардим. Мақтабда ички меҳнат интизоми ва мактаб ниъоми йўлга қўйилган бўлиб, бунга жамоанинг ҳар

бир аъзоси амал қилади. Жумладан, ўтган давр мобайнида ходимлар томонидан 25 та моддий ёрдам учун тушган ариза ижобий ҳал қилинди. Йилга 3-4 нафар ходим сўхатхорларда ўз соғлиқларини тиклашга шунингдек, мактабда фаолият юри-таётган ходимлар тақлифига кура ҳар йили «Зиё-лилар беллашуви», «Зиёлилар спартакиадаси» ўтказилмоқда. Кенга кенг дунё, дейдилар. Касаба уюшма фаоллари айнан ушбу ҳикматга риоя қилган ҳолда фаолият юртсалар, аъзолар ишончи кун сайин ор-тиб бораверади. Кимгадир кераклигини ҳис қилиб яшагана не етсин!

Раъно БОЙЎТАЕВА, Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилоти етакчиси

Ўзгаришлар жараёни

порлоқ келажакка хизмат қилади

Тараққиёт — интеллектуал салоҳият билан бевосита боғлиқ табиий ҳодисадир. Қаердаки илм-фанга эътибор қаратилса, маърифат тарқатувчи кишилар эъзода бўлса, уша жойда ўсиш, ривожланиш, энг муҳими, эртанги кунга ишонч бўлади. Бунинг биз мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида яққол кўриб туришимиз. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Шухрат Дехқонов билан суҳбат асосида ҳам ана шу руҳ ҳамроҳлик қилди.

— Ҳодимчи синф журналидаги қайдларга қараб чорак ва йиллик баҳолашни чиқаради. Аввалги ва бугунги ҳисобот-саноат орасида беш йилдан ортиқ суҳбат ўтди. Уни мухтарар қилиб қандай баҳолаш мумкин?

— «Аёло» десам, албатта, ошириб юборган бўлман. Одатда ҳисобот маърузаси юзасидан сўзга чиққанлар маъқул топса «қоникорлик» деб баҳолайди. Бу аслида «ёмон эмас», «яхши» деганидир.

Келинг, яхшиши, бунинг конференция делегатлари ҳужмига ҳавола этайлик-да, ўз нуқтаи назаримизни баҳоли кудрат фикрат тарозисидан ўтказиб олайлик. Утган давр соҳа ходимлари учун ўзига хос бир синув, таъбир жоиз бўлса, келажак ворисларини тарбиялаш йўлида интеллектуал куч ва имкониятларимиздан эркин фойдаланиш даври бўлди, десам асло муволага эмас.

Таъкидлаш лозимки, эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти, уларнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-хунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва албатта, янада ривожлантириши учун мамлакатимизда яратиб қўйилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бера бошлади.

Қолаверса, ўтган давр мобайнида тармоқ касаба уюшмаси Устаеви, мевёрий ҳужжатлар, юқори ташкилотлар йўриқномалари асосида қўйлаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, касаба уюшмалари кўйи ташкилотлари фаолияти рўйи-тинги аниқлаш мониторингини ташкил этилди; туманларнинг бирлашган ташкилотлари худудларга бўлиниб, бир-бирига ёрдам кўрсатиш тизими ишлаб чиқилди; ҳар бир шаҳар ва туманда ўндан ортиқ таянч бошланғич ташкилотлари ташкил этилди ва уларга худудий бошланғич ташкилотлари бириктирилди; таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида вилоятдаги таълим муассасаларида педагогик ходимлар учун дам олиш хоналарини ташкил этиш жараёни бошланди.

— Шу кунгача бўлиб ўтган ҳисобот-саноат йилгиликларини, конференцияларни қайсида маънода кўриктанлов босқичларини ёдга солади. Юқоридагиларнинг сўзига мураккаблашиб, талаб ҳам, натижа ҳам ва албатта, ҳулоса-яқунлар қўламини ҳам салмоқлироқ бўлиб боради.

— Хабарингиз бор, ЎзКУФК раёсатининг 2009 йил 14 августдаги 12-5-сонли қарори билан тасдиқланган «Касаба уюшмалари органларида ҳисобот-саноатларини ўтказиш бўлимидаги Низом» асосида шу йилнинг дастлабки чора-ғидида 2329 та касаба уюшмаси гуруҳларида, 11 та цех ва 1539 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамда Тошкент вилоят Давлат педагогика институти бошланғич касаба уюшма кўмитасида ҳисобот-саноат конференцияси ўтказилди.

Бугун беамалол айтиш мумкинки, ҳисобот-саноат йилгиликларини тўғрисида таълиму-ағза бўлмаган касаба уюшма етакчиларининг кўникма ҳосил қилишини таъминлаш мақсади-да, масалан, Юқоричирчиқ туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси, Янгийўл шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби, Ангрэн шаҳридаги 73-сонли мактаб-интернат, Уртачирчиқ қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ўтказилган намунавий ҳисобот-саноат йилгиликларини кейинги жараёнда тасдиқлади.

Маълумот учун айтишимиз лозимки, 2329 та касаба уюшма гуруҳларида 1178 нафар касаба уюшма ташкилотчилари, 11 та цех ташкилотларида 1 нафар уюшма ташкилотчиси, 1540 та бошланғич ташкилотларда 461 нафар касаба уюшма раислари биринчи бор сайландилар.

Бу ёғи ўзимизга боғлиқ. Қўлини-қўлга бериб астойдил фаолият кўрсатилса, танқид қилинган, ў ёки бу масала бўйича тилга олинган муаммолар, албатта, ўз ечимини топади. Аслида ҳисобот, сайловлардан кўзда тутилган мақсад ҳам шу — эртанги куннинг кўра самаралироқ ишлашидир.

— Меҳнат муҳофазаси ҳақида сўз очилса, одатда станоклар гуриллаб ишлаб турган цех, йиғим-терим комбайнлари ёхуд транспорт воситалари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Гўё бунинг бошқа соҳалар, хусусан, таълим соҳаси ҳодимларига алоқаси йўқдек...

— Нимасини айтасиз, шундоқ ҳам борки! Ёнғин хавфсизлиги, хоналарни табиий ва сунъий ёриш, қишки мавсумга тайёрлаш, қозонхона мавсумий операторларига ҳар мавсумда тегишли идоралардан рухсатнома олиш... Санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатилиши қанчалар зарур эканлигини айтмайсизми!

Айнан шунинг учун ҳам барча таълим муассасаларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низом, ташкилот раҳбарларига меҳнат муҳофазаси бўйича уч погонали тизимни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланмалар асосида иш олиб борилмоқда.

Жойларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича тадбирлар, ўқув-семинарлар мунтазам равишда режа асосида ўтказиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Ушбу масалага оид турли кўрик-танловларда эришилаётган ютуқлар, ўйлайманки, бошқаларга ҳам ўрнак бўлади.

Жароҳат нафақат инсонни майиб қилади, балки унинг қалбини ҳам жароҳатлайди. Бас, шундай экан, донорлар айتمокчи, касалликни даволашдан кўра унинг олдин олган ўн нафис афзалдир.

— Одам бор жойга одам келади. Бу ўринда «одам» сўзи анчайин кенг маънода қўлланилаётганига эътиборингизни торттишни истардим. Ва айтиш мумкинки, касаба уюшма ташкилотларида масаланинг ана шу жиҳатига бирламчи шарт сифатида қаралади. Шундай эмасми?

— Фуқароларнинг мурожаати бўйича иш олиб бориш бизнинг доимий вазифамиздир. Ҳисобот даврида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига 27 та ёзма, 193 та оғзаки мурожаатлар бўлди. Та-

бийки, шаҳарлар ва туманлар бирлашган қўмиталарига тушган ёзма ва оғзаки ариза ва шикоятлар бир неча марта қўл. Шикоятларда асосан ишдан ноқонуний бўшатилиш, ҳафталик дарсларнинг адолатсиз тақсимланиши, коммунал тўловларга қонунга зид равишда иш ҳақидан ушлаб қолиш, касб касалиги бўйича нафақа пулини тўлашдаги номутаноаблик каби масалаларга оид бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ечимини топишга эришилди.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Беш қўл баравадир эмас. Бориники, қўйилган талаб ҳар доим ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин. Бундай вазиятда «келса қўлимиздан, келмаса тилимиздан», деган тамойилга амал қилган дуруст. Токи, касаба уюшмаси эшигини умид билан очган одам бу ердан норизо бўлиб кетмасин! Бизнинг ақидамиз оддий: масъул ходим ариза ва шикоятларни қўлга олар экан, уни ёзган киши охириги ва ҳал қилувчи манзил сифатида касаба уюшмасига қадар ранжида этганини асло унутмаслиги лозим.

— Ушбу савол сал гала-тироқ туюлар. Ишимизда қозғобозлик қўпайиб кетма-яптимикин?

— Истаимизми, йўқми — ҳар бир иш, ҳоҳ у бажарилган бўлсин, ҳоҳ бажарилмаган бўлсин, албатта, ўз аксини топиши керак. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг: 2005 йилдан 2010 йилнинг май ойигача вилоят кенгашига юқори ва турли ташкилотлардан 1319 та ҳужжат келиб тушган. Шу жумладан, 2010 йилнинг май ойига қадар 81 та хат, 30 қарор ёки хат келган. Бу ҳар қуни бир қарор ёки хат олдиди, дегани. Албатта, уларнинг биронтасини беэътибор қолдириб бўлмайди. Ҳаммаси керак — улар бугунимиз ва эртанги кун зарур масалалар ҳақида. Ҳўш, нима қилиш лозим? Излаган топмай қўймайди. Бинобарин, қозғобозликни камайтириш йўллари мавжуд. Жумладан, компьютер техникасидан, модем, электрон почтаси алоқа воситаларидан самарали фойдаланишга эришишимиз даркор. Яна тақдор айтаман: бизни қозғобозлик фақат ортеҳника, электрон ҳужжатлар билан ишлаш қутқаради, ишимиз ҳам унумли бўлади.

— Муаллимни кетмон ушлаб турган ҳолда тасаввур қилиш қийин. Лекин ерга ишлов берган деҳқондан кам толиқмайди.

— Ростдан ҳам шундай. Амалга ошираётган ишларимиз самараси бевосита ўқитувчи педагогларимиз соғлиги қай даражада муҳофаза қилинишига боғлиқ. Шунинг учун вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти тингловчилари учун Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ёрдамида 100 ўринли санаторий-профилакторий ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тармоқ келишуалари ва жамоа шартномалари каби муҳим ҳужжатларда мустақкамлаб қўйилган имтиёزلардан унумли фойдаланиш ҳам давр талаби.

Тарбиячи соғлиги — миллат соғлиғидир. Бунинг унуттишга асло ҳаққимиз йўқ. Токи, ўзгаришлар жараёни порлоқ келажакка хизмат қилсин.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

Мақтабнинг 9-синф ўқувчиси Дилноза Эргашева Москва шаҳрида ўтказилган, 17 та давлат вакиллари иштирок этган, халқаро иншоот танловида ғолиб бўлди. 3-«А»-синф ўқувчиси Мумтоза Абборова эса Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасида Ўзбекистон русийзабон халқлар маданият маркази ўтказган «Пушкин эртақлари билимдони» танловида муваффақиятга эришди.

Ҳамжиҳатлик — ютуқлар гарови

Пешма-пеш ютуқлар мўътадил муҳит, жамоадаги ҳамжиҳатлик билан бевосита боғлиқ. Кейинги беш йилда мактаб жамоасидан юқори ташкилотларга шикоят тушмаганини эшитиб: «Бунинг сирини нимада?» деб сўрашди. Мен кулимизраб бошланғич касаба уюшма кўмитаси Муҳаббат опага имо қиламан. Муҳаббат опа эса барчага эшиттириб Юртбошимизнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси III Қурултои қатнашчиларига юборган табриғидаги «Ишончим комилки, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаятган барқарор ва самарали муносабатлар бундан буён ҳам ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораверади» деган сўзларини

ўқиб беради. Бизнинг касаба уюшмаси билан ижтимоий шерикчилигимиз 2007 йилнинг октябр ойида меҳнат жамоаси йиғилишида имзоланган жамоа шартномасига асосланади. Жамоа шартномаси 3 бўлим ва 109 банддан иборат бўлиб, иш берувчи билан ходим ўртасидаги барча меҳнат муносабатлари ўз аксини топан. Икки йилдан бери мактабимиз ўқув йили сарҳисобида таълим-тарбия соҳасида туман таълими 97 балл тўллаб, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Педагогик жамоанинг ҳамжиҳатлиги иш олиб бораётгани, ёш кадрларга ишонч билдирилгани, уларнинг фаолият юртишларига кенг имкониятлар яратиб берилгани ютуқларимиз гарови бўлмоқда.

қил юрт ўғил-қизларини камол топтиришидир. «Энг яхши фан ўқитувчиси» танловида ўтган даврда беш киши туманда ғолиб деб топилиб, вилоят босқичида иштирок этди. Малака оширишга борган география фани ўқитувчиси Н.Ҳ. айдарова курс якунидаги баҳолашда 100 балл йиғиб, тўғридан-тўғри «Энг яхши фан ўқитувчиси» танлови ҳайъати таркибига киритилди. Мақтаб ўзининг «Кичик академиясига» эга. Унинг ишида 5-9-синф ўқувчилари иштирок этиб, уларнинг билим-ини йилига 3 марта, яъни «Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни», «Наврўз» ва «Хотира ва Қадрлаш кўни» байрамлари арафасида синновдан ўтказилади. Тадбир якунида ҳар бир синфдан биттадан магистр ва ба-калавр ажратилади. Кейинги

Ижтимоий ҳамкорлик

йили улар маълум фан юзасидан илмий иш тайёрлайдилар. Мақтабнинг 34 нафар ўқувчиси ҳар хил спорт турлари бўйича республика мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган бўлиб, жумладан, Б.Эргашев, Н.Стефанедис, С.Зоитов, Д.Бахромовларни фахр билан тилга олиш мумкин.

Дарвоқе, туман мактаблари ўртасида «Энг яхши маънавият хонаси ва энг яхши маънавият иши» кўрик-танловида олиёулғаб мушарраф бўлиб, рангли телевизор билан муқофотланганимиз ҳам бизга олам-олам қувонч бахш этди. Эришилган ютуқлар тўғрисида ўйлар эканман, ижтимоий шерикчиликнинг қанчалар шароити эканини ич-ичдан ҳис қиламан. Касаба уюшма кўмитаси тўғрисида бошқа раҳбарларда қандай фикр борлигини билмайман-у, аммо мен эришилган ютуқларимизни касаба уюшмасисиз тасаввур қила олмайман.

Дилбар ГАИПНАЗАРОВА, Қибрай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори

Фахрийлар билан мулоқот ёшлар учун ҳаммаша улкан ҳаёт мактаби. Шу боисдан ҳам вилоят кенгашида ана шундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Суратда: фахрийлар даврасида.



Меҳнат муҳофазаси

Аҳамиятга молик масала

Вилоят кенгаши тасарруфидаги туман, шаҳр бирлашган қўмиталари ва халқ таълими ўртасида тузилган келишувлар, таълим муассасалари ва бошланғич касаба уюшма кўмиталари ўртасидаги жамоа шартномаларида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ишлари бўйича битимлар алоҳида аҳамият касб этади. Маъмур йўналиш бўйича ҳар йили муайян тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамағармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан «Меҳнатни муҳофаза қилиш» жамағармасини ташкил этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ушбу тадбир учун иш берувчилар томонидан 2005 йилда 34 миллион 825 миң сўм сарфланган бўлса, 2009 йилга келиб бу рақам 70 миллион 842 миң сўмни ташкил этди. Бундан фақат қувонч керак. Демак, инсон кадр топмоқда. Таълим муассасаларида бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг 3 босқичли тизими йўлга қўйилган. Ҳар бир бошланғич касаба уюшма кўмитасида Меҳнатни муҳофаза қилиш доимий комиссиялари тузилган. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар сайланган.

Вакиллар таълим муассасасидаги меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига жавобгар шахс ишнинг назорат қилиш билан бирга, иш берувчи олдига мавжуд камчиликларни бартафари этиш талаблари билан ҳам чиқишмоқда. Туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма кўмиталари раислари қузғи-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича тузиллаган доимий комиссия таркибига киритилиб, бу борада муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишмоқда.

Шу саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўларок, Марказий кенгаш томонидан ўтказилган республика миқёсидаги танловда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил номинатсиясида Ангрэн шаҳридаги 73-маъмура мактаб-интернат вакили Р.Мамадалиева ғолиб бўлди.

2010 йили вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган кўрик-танловда «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши касаба уюшма кўмитаси» номинатсиясида Ангрэн шаҳар 28-мактаб жамоаси фахрли 3-ўринни эгаллади. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Вилоят кенгаши томонидан ўтказилаётган меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган ўқув-семинарлар, бирлашган кўмиталардаги фаоллар ўқувлари бунга замин яратмоқда.

Шерали РАМАЗОНОВ, вилоят кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси

Оммавийлик сари

Юқоричирчиқ туман бирлашган кўмитаси таркибида 57 та бошланғич ташкилот бўлиб, касаба уюшма аъзолари 2587 нафарини ташкил этади. Педагог-ўқитувчиларимиз ёшларга ҳақон стандартлари даражасида билим бериш, уларни миллий қадриятлар, анъаналар ва истиқлолнинг сарват руҳида тарбиялашмоқда. Туман халқ таълими бўлими, услубхона, педагогик жомалар, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда ўқув жараёнини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хотира турнири анъананага айланди

Барча муассасаларда соғломлаштириш гуруҳлари тузилган бўлиб, ҳар ким ўзи ёқтирган спорт тури билан шуғулланмоқда. Турли сана ва байрамлар муносабати билан туман миқёсида спортнинг стол теннис, шахмат, шашка, волейбол, баскетбол, футбол турлари бўйича мусобақа ташкил этиляпти. Ҳар йили май ойида Шалқар Усеновнинг хотирасига бағишлаб ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган бокс бўйича халқаро турнирга амалий ёрдам берилмоқда. 2006 йилдан буён мунтазам равишда 11 август кунини таълим муассасалари ходимлари ўртасида футбол бўйича анъанавий «Пахтакор — 1979» хотира турнири уюштирилади. Мусобақалар 4 босқичда — дастлаб мактаб, сўнгра туман худудий, ўндан кейин туман финал ва ниҳоят вилоят босқичлари ўтказилмоқда.

А.Кан стол теннис бўйича биринчи ўринни эгаллади. Сентябр ойида «Хўжакент» пансионатида ўтказилган мусобақада 3-мактаб ўқитувчиси Бунёд Бегматов ва 12-мактаб ўқитувчиси Зухра Ваҳобовалар жамоа ҳисобида шундай натижани қайд эттиди. Чирчиқ шаҳрида ўтказилган вилоят аёллар спартакиадасида баскетбол жамоамизга ҳам шохсупанинг энг юқори поғонаси насиб этди.

Туман бирлашган кўмитаси Ўзбекистон халқ демократик партияси туман кенгаши, савдо, маълумот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман вакиллари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Нуроний» жамағармаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Натижада, спортнинг футбол, миллий кураш, юнон-рум кураши, бокс, оғир атлетика, волейбол, баскетбол турлари бўйича мусобақа ва турнирлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, Барқамол аълод йили муносабати билан халқаро бокс турнири, волейбол ва баскетбол миллий кураш, футбол мусобақалари кўтарилиб руҳда ўтказилди. Фолиб жамоаларга ҳамкор ташкилотлар ҳамда ҳомийлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Нурмуҳаммад РЎЗАМТОВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Юқоричирчиқ туман бирлашган кўмитаси раиси

Карши шаҳридаги банк коллежида замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланилаётгани ўқувчи-ёшларнинг етук кадрлар бўлиб қамол топишига хизмат қилмоқда.

Кўркам қиёфадаги коллежда ўқув-амалиёт ва фан кабинетлари, компьютер хоналари ҳамда ахборот-ресурс маркази зарур жиҳозлар билан таъминланган. Очик ва ёпиқ турдаги волейбол, баскетбол, теннис, футбол, югуриш майдончаларида ўқувчиларнинг шугулланиши учун шарт-шароитлар яратилган.



Суратларда: Коллежнинг аълочи ўқувчиси Тиллаой Раҳмонова; Маънавият ва маърифат хонаси мудираси Лолаҳон Шодиева ўқувчиларнинг яқин маслаҳатгўйи.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

Спорт оламида

Самарқанд шахмат мактаби доғруғ қозонган тафаккур жанги масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда истиқлол йилларида уч нафар гроссмейстер (Марат Жумаев, Алексей Барсов, Шухрат Сафин) етишиб чиққаниги ҳам бежиз эмас.

Ифтихор



Самарқанд шахмат мактаби

Бундан ташқари, икки нафар халқаро спорт устаси, уч нафар спорт усталигига номзоднинг борлиги ҳам мураббийларнинг хизматидан далolat.

Мактабнинг тарихи анча узун. Қўнларнинг бирида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Муҳаммади Сарваров шогирди Толиб Нуриддиновга: «Шахримизда шахмат мактаби ташкил қилсақ, сен ёнимда ҳамкорлик қилсанг», дейди.

Лекин Толиб Нуриддиновнинг директорлик фаолияти узоққа бормади. Орадан бир йил ўтмаёқ у Эронга махсус хизмат билан таржимонликка жўнатилади.

Айни кунларда мактабга республика халқ таълими аълочиси, шахмат бўйича спорт усталигига номзод Бахтиёр Ақобиров директорлик қилмоқда.

Мақтабда икки нафар услубчи — мактабнинг биринчи директори ва ташкилотчиси Т. Нуриддинов ҳамда халқаро гроссмейстер, республика шахмат Федерациясининг аъзоси Марат Жумаев ёшларга билимларини улашмоқда.

2005-2007 йиллар мобайнида турли ёшдаги (12—18) болалар, ўсмирлар орасида Азамат Солиев, Соҳиб Жўраев, Хуршид Мустафоев, Жамшид Мустафоев, Жаҳонгир Воҳидов, Сабина Рафиева, Жўрабек Ҳамроқулов, Илҳом Ҳасанов, Мафтуна Орзиқулова, Миржалол Тожтемиров, Меҳрибон Жалиловларнинг Ўзбекистон ёшлар чемпионатида совирилги ўринларини эгаллаганилари ва айримлари бир неча бор чемпион бўлганлигини инобатга олсак, мактабнинг келажаги қанчалар порлок эканлигини тасаввур этиш мумкин.

Мақтабда 516 тарбияланувчига 21 нафар малакали мураббий шахмат-шашка сир-асрорларини ўргатмоқда.

Икром РАСУЛОВ

Фестивал

Марғилон шаҳридаги «Очик осмон остидаги музей»да Андижон, Наманган, Фарғона ва қўшни республика хўнарамандларининг «Водий камалаги — 2010» минтақавий фольклор модалар фестивали бўлиб ўтди.

«Водий камалаги — 2010»

Илк бор ўтказилаётган ушбу тадбир қадимий ўзбек миллий либосларини қайта тиклаш ва сақлаш, ёш истеъдодли мусаввир-дизайнерларнинг ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш, маданий ривожимиз, турмушимизнинг янада гўзал бўлиши мақсадида ташкил этилди.

«Чинор оҳанги», «Шарқ кўзгуси», «Кўкун безаги», «Наманганлик нозанин», «Фарғона зийратгоҳлари», «Бегойим», «Серкўёш водий» деб номланган ўзбек миллий эркак ва аёллар либослари, камалакдек товланган хилма-хил рангдаги атласу шойи, бекасам матолардан тайёрланган коллекциялар кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Мода усталари ва дизайнерлар ЮНЕСКО сертификати ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбирда фольклор-этнографик ансамбл жамоалари, ёш хонандалар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Фестивалда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эван Эспинал, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари О.Мансуров, Марғилон шаҳар ҳокими И.Маматов, Германиянинг халқаро ривожланиш ва миграция маркази вакили Питер Роддер, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси маданияти ишлари бўйича ёрдамчиси М.Алиева ва бир неча элчихона вакиллари иштирок этди.

Муҳаммадхон МАҲМУДОВ

Тақдирот

Эртаклар — яхшиликка етаклар

Халқ меҳрини қозонган ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, қўйингки, буюк шахсларнинг таржимаи ҳолларига қизиқсангиз, уларнинг бу даражага етишида онаси ёки бувиси айтган алла ҳамда эртаклар таъсири кучли бўлганлигини кўрасиз.

Одамда яхши фазилатлар камол топишида эртакнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс эканлиги психологлар томонидан аллақачон аниқланган. Бола дунёни кўриш ва эшитиш орқали англайди. Кўп эртак тинглаш ва мутлола қилиш унинг дунёқараши шаклланишига ёрдам беради.

«ART FLEX» нашриёти ва «Китоб дунёси» газетаси таҳририяти Баркамол авлод йили муносабати билан болаларга ажойиб совға тайёрлади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги босинининг катта мажлислар залида нашриётнинг «Хайвонлар ҳақида эртаклар» туркум китобчалари асосида яратилган «Аудио-эртак» жамланмасининг тақдироти бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёдулла Убайдуллаев, ёзувчи Тўлқин Хайитов ва бошқалар эртак қаҳрамонларининг одамлардек сўзлаши болада ахлоқий фазилатларни юксалтириб, табиатни асраб-авайлашга ўргатиши, меҳрибонлик ва саҳийлик хислатларининг кўртак ёзишига хизмат қилиши ҳақида батафсил гапириб ўтди.

— Эртакларнинг салбий томонлари борлигини ҳам унутмаслигимиз керак, — деди психолог Хўжакедди Алимов. — Бир зумда барча нарсани бўйруқингизга бинао ҳозир но зир қиладиган жин ёки турли ноз-неъматларга тўла очил да-стурхону ҳеч кимни аямай са-валаб кетадиган «ур тўқмоқ»лар шундай эртак қаҳрамонларини сирасига қиради.

«Аудио-эртак» жамланмаси нафақат боғча ёшидаги, бал-

ки мактаб ўқувчиларига ҳам мўлжалланган бўлиб, одо-нома дарсларида ундан фой-даланиш мумкин.

Бир йилда ўртача 10 номда китоб чиқарамиз, — дейди «Китоб дунёси» газе-таси ва «ART FLEX» нашриёти бош муҳаррири Нилуфар Жумаева. — Йиллик тиражимиз 200000 нусхадан ошади. Уларнинг 70 фоизини бола-ларга бағишланган адабиёт-лар ташкил этади.

Кундалик рўзгор юмуш-лари билан банд бўлиб фар-зандларига эртак айтишга вақт ажрата олмаётган она-ларга бу жуда қўл келиши, шубҳасиз. Бола расмларга қараб, DVDдан эртак эшити-ши, сиз эса ишингизни да-вом эттиришингиз мумкин.

Шерзод АБДУСАМADOV, «Ishonch» мухбири

Кўргазма

Ҳассос қалб эътирофи

Искандар Воҳидов ўзбек рангтаъсвир санъатида ўзига хос мактаб яратган таниқли рассом. Тошкент фотосуратлар уйида мусаввир ижодий фаолиятининг 40 йиллигига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди.

Унда рассомнинг 100 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Ҳар бир картина ўзига хослиги ва мазмунан бойлиги билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Айниқса, «Хива — эски кўча», «Хумсон тоғлари», «Куз», «Оромгоҳлар», «Зомин», «Биринчи қор», «Сув бўйида», «Анхор», «Гузар» каби асарлари рассомнинг ўй-хаёллари, бой ички дунёси, ҳассос қалбини бус-бутун очиб бергандек таассурот уйғотди.

Кибора ШЕРФОЗИЕВА, Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси

Республика кўп тармоқли Агроеконом биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 18.03.2010 йилдаги № 1-406/2009-сон ижро варақасига асосан «Шаркли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари: 2007 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. 30 Z 94-41 бўлган «HAFEI» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 19 135 110 сўм.

2. 18.03.2010 йилдаги № 1-406/2009-сон ижро варақасига асосан «Файзобод ТИФ» божхона оморидида сақланаётган 2002 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. 30 W 64-80 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 13 042 540 сўм.

3. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан «Файзобод ТИФ» божхона оморидида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. 30 W 64-80 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 35 430 000 сўм.

4. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан «Файзобод ТИФ» божхона оморидида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. 30 W 64-80 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 36 945 000 сўм.

5. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан «Файзобод ТИФ» божхона оморидида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. 30 W 64-80 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 36 945 000 сўм.

6. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан «Файзобод ТИФ» божхона оморидида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. 30 W 64-80 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 36 945 000 сўм.

7. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан «Файзобод ТИФ» божхона оморидида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. 30 W 64-80 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 36 945 000 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 №000003

Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar, Manzilimiz, Nashr ko'rsatkichi, Navbatchi muharrir, A.Qodirova, Sh. Abdusamadov, S. Shodiyeva, Gazeta 'Ishonch'ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi, 'Sharq' nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi, 'Buyuk Turon' ko'chasi, 41-uy, O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan, Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma tabaq, Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi, Sotuvda erkin narxda, 'Ishonch'dan olingan ma'lumotlarda maraba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart, Mualliflar fikri ta'biyiyat nuqtasi nazardan tashqari qat'iy qat'iy, (h) - Tijorat materiallari, Boshiga topshiriш вақти - 21.00, Topshirildi - 02.00, Буюртма Г — 551, 18774 нусxada bosildi, ISSN 2010-5002, 2 3 4 5